

БАНК КАФОЛАТИ -сонли шартнома

Тошкент ш.

202_ - йил «__» ____

Кейинги ўринларда «Кафил» деб юритилувчи «_____» АЖ номидан _____ асосида иш юритувчи _____, бир томондан ва кейинги ўринларда «Принципал» деб юритилувчи «_____» МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи жамият раҳбари _____, иккинчи томондан, Принципалнинг мажбурияти бўйича кафолатни қабул қилувчи кредитор кейинги ўринларда «Бенефициар» деб юритилувчи "_____" ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

ШАРТНОМАДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТАРИФЛАР ВА АТАМАЛАР

Банк кафолати – банк (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг буюртмасига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга берадиган ёзма мажбурият (кейинги ўринларда кафолат деб юритилади).

Кафил – ўз миждо (принципал)нинг ёзма аризасига кўра, принципал бенефициар олдидаги мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафолатга мувофиқ ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини ўз зиммасига олувчи банк.

Принципал – банкка ўзининг учинчи шахс (бенефициар) олдидаги мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида кафолат бериш тўғрисида ариза билан муурожаат қилган шахс.

Бенефициар – принципалнинг мажбурияти бўйича кафолатни қабул қилувчи кредитор.

Кафолат комиссияси – Банк томонидан кафолат хизмати кўрсатилиши учун Принципал томонидан Банк тарифларида белгиланган миқдорда тўланиши лозим бўлган тўлов (ҳақ).

Чет ел валютаси - муомаладаги ҳамда чет давлат (чет давлатлар гуруҳлари) ҳудудида нақд тўловнинг қонуний воситаси бўлган пул белгилари, шунингдек муомаладан чиқарилаётган ёки муомаладан чиқарилган, аммо алмаштирилиши лозим бўлган пул белгилари, чет давлатларнинг (чет давлатлар гуруҳларининг) пул бирликларида ҳамда халқаро пул бирликларида ёки ҳисоб-китоб бирликларида банк ҳисобварақларида ва омонатларида турган маблағлар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Кафил Принципалнинг топшириғига кўра Принципал ва "_____" МЧЖ (кейинги ўринларда “Бенефициар”) фойдасига _____ (_____) _____ миқдорида _____ юзасидан банк кафолатини беради.

1.2. Кафолат берилгани учун Принципал Кафилга ушбу шартномада белгиланган миқдорда кафолат комиссиясини тўлайди.

1.3. Банк кафолатининг асосий шартлари:

- Кафолатнинг умумий суммаси: _____ (_____) _____;
- Кафолатнинг амал қилиш муддати: ____ (____) ой;
- Кафолат берилганлиги учун комиссия: бир марталик _____ % миқдорида.
- Шунингдек, банк кафолати бўйича мажбуриятларни (асосий мажбуриятни ва ҳақларини) бажариш муддатлари ва миқдорлари мазкур шартноманинг ажралмас

қисми бўлган 2-сонли иловаларга мувофиқ сўндирилади.

1.4. Принципал Кафолат билан боғлиқ вужудга келган ва амалга оширилган барча тўловни ҳамда ҳаражатларни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

1.5. Банк кафолати, Принципал томонидан шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, ушбу шартноманинг 1.3.-бандида кўрсатилган миқдор доирасида Бенефициарга пул маблағларини тўлаш мажбуриятини ўз ичига олади.

1.6. Кафилнинг Бенефициар олдидаги мажбурияти кафолат берилган суммани тўлаш билан чекланади.

1.7. Бенефициарнинг кафолат бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби кафолатда кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кафилга ёзма равишда тақдим этилиши керак. Талабда ёки унга иловада бенефициар принципалнинг таъминлаш учун кафолат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак.

1.8. Кафилнинг принципалдан кафолат бўйича бенефициарга тўланган суммаларни регресс тартибда тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи ушбу шартномага асосан белгиланади (Фуқаролик кодексининг 310-моддаси).

2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Кафилнинг ҳуқуқлари:

- Кафолат бўйича Бенефициарга тўлаб берилган пул маблағларини тўлаб беришни Принципалдан регресс тартибда талаб қилиш;

- Мазкур шартномага асосан Кафил томонидан Бенефициар фойдасига тўлаб берилган пул маблағларини ва Принципалнинг Кафил олдида ушбу Шартнома шартларига асосан вужудга келган тўлов мажбуриятларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ, Принципалнинг барча ҳисобварағларидан керакли миқдордаги маблағларни (суммани) унинг топшириғисиз (акцептсиз) тўлов талабномаси ёки мемориал ордер асосида ҳисобдан чиқариш;

- Принципал ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузганда, Принципалнинг барча ҳисобварағларига Принципалнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган суммага талабнома қўйиш;

- Принципалдан Бенефициар олдида Контракт бўйича тўлов мажбуриятлари бажарилиши тўғрисида маълумот олиш;

- Бенефициар томонидан талабнома қўйилган тақдирда, ўз фармойиши билан “Банкнинг бошқа мажбуриятлар” (_____ -сонли баланс ҳисобварағи) ҳисобварағини очган ҳолда, ушбу ҳисобвараққа кафолат мажбурияти бўйича зарур маблағларни тўплаш ва тўпланган маблағлардан тўловни (кафолат-мажбурият бўйича асосий қарз, фоизлар) амалга ошириш;

- Кафолат берилган валютада тўловларни амалга ошириш учун Принципалнинг валюта ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлмаган ёки етарли бўлмаган ҳолларда, унинг миллий валютадаги ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлари _____ - блок ҳисобварағида конвертация қилиш йўли тўловни амалга ошириш;

- Принципал билан биргаликда Контракт бўйича Бенефициар фойдасига амалга оширилган тўлов ва ҳисоб-китоблар бўйича таққослаш ўтказиш;

- Принципал томонидан ушбу шартномага асосан ўз зиммасига олган мажбуриятлари бажарилмаганда/лозим даражада бажарилмаганда Кафил ўз талабларини ушбу шартноманинг 5-бандида қайд этилган мажбурият бажарилишини таъминотига қаратиш орқали қарздорликни қоплаш.

2.2. Принципалнинг ҳуқуқлари:

- Кафил билан бирга ҳар ойда ҳисобот санаси ҳолатига ҳисобварағлар салдоси бўйича таққослаш ўтказиш;

- Кафилдан Бенефициар томонидан қўйилган тўлов талабномалари ва Кафолат



бўйича Бенефициар фойдасига амалга оширилган тўловлар бўйича маълумот олиш.

2.3. Кафилнинг мажбуриятлари:

- Принципалнинг топшириғига кўра Бенефициар фойдасига ушбу шартнома шартларига асосан Принципал томонидан ушбу Шартномада кўрсатилган дастлабки шартлар бажарилгандан кейин Кафолат бериш;

- Кафолатнинг матни, шартлари ва унга киритилаётган барча ўзгартиришларни Принципал билан келишиш;

- Бенефициарнинг талаби олинганда бу ҳақида Принципални зудлик билан хабардор қилиш ва унга талабноманинг нусхаларини талабномага алоқадор барча ҳужжатлар билан бирга тақдим этиш;

- Принципални Кафолатга оид барча хабарлар, олинган комиссия тўловлари ва бошқалар тўғрисида хабардор қилиш;

- ҳисобварақлар бўйича операцияларни банк операцияларини оширишга доир амалдаги қоидалар асосида юритиш;

- Бенефициарнинг тўлов талабномаларига асосан унга Кафолат бўйича тўловлар амалга оширилганда бу ҳақда Принципални ўз вақтида хабардор қилиш.

2.4. Принципалнинг мажбуриятлари:

- Кафилга Кафолат берилган валютада шартноманинг 1.3.- бандида белгиланган миқдорда кафолат комиссиясини тўлаш;

- ушбу шартномада белгиланган тартибда Бенефициарга тўлаб берилган барча суммаларни, шунингдек Кафолат билан боғлиқ бошқа тўловлар, харажатларни Кафилга қоплаб бериш;

- биринчи навбатда Кафил томонидан ушбу Шартномага асосан Бенефициарга тўлаб берилган тўловларга ҳисобланган фоизларни тўлаш;

- Контрактнинг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ўз вақтида Кафилга тақдим этиш;

- Контракт бўйича ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлиги тўғрисида Кафилни ўз вақтида хабардор қилиш.

- Принципал ўзига хизмат кўрсатувчи банкка Кафилнинг биринчи талаби билан Кафил томонидан Бенефициарга тўлаб берилган ҳар қандай пул маблағларини ўзига тегишли бўлган барча банк ҳисобварақларидан Фуқаролик кодексининг 776, 783-моддаларига асосан ўзининг (Принципалнинг) розилигисиз ўтказиб бериш ҳақида кўрсатма беради, яъни хизмат қилувчи банкка ўзининг фармойишисиз ўтказиб бериш ҳуқуқини беради.

2.5. Ушбу шартнома амалда бўлган даврда Принципал қуйидагиларнинг бажарилишини таъминлаши лозим:

- ўз фаолиятини лозим даражада самарадорлик билан қонунчиликка мувофиқ, шунингдек умум тан олинган тамойиллар ва соғлом амалиётга асосланиб амалга ошириш (фаолият юритиш);

- ўз мулкни, асбоб-ускуналари ва бошқа мол-мулкни нормал аҳволда сақлаш (асосий фондларни эксплуатация қилиш);

- бухгалтерлик ҳисобини ва ички назоратни амалдаги бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи қоидаларига асосан олиб бориш ва ҳар йили ўз молиявий ҳисоботларининг аудитини ўтказиш;

- агар Кафил бошқа шартларга рози бўлмаса, айланма маблағлари белгиланган меъёр (норматив)дан, шунингдек бошқа коэффициентларни (қайтариш, ликвидлик ва бошқалар) Кафолат бериш вақтида қайд этилган даражадан паст бўлмаган ҳолда бўлишини таъминлаш;

- ҳар қандай суд низолари, шартномавий мажбуриятлардаги ёки унинг молиявий ҳолати бўйича ўзининг Бенефициар ва Кафил олдидаги мажбуриятларининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа ўзгаришлардан

Кафилни хабардор қилиб туриш;

- ўзининг фаолиятини амалга оши

риш ва ушбу шартнома шартларини бажариш учун лозим бўлган барча рухсат ва лицензияларни ўз вақтида олиш ва уларнинг муддатини узайтириш.

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ўз зиммасига олади

3. КАФОЛАТ БЕРИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ. ТЎЛАБ БЕРИЛГАН СУММАЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартномага асосан Кафил Принципалнинг илтимосига кўра Принципал томонидан қуйидаги дастлабки шартлар бажарилгандан кейин Кафолат беради:

- шартноманинг 1.3.-бандида белгиланган Кафолат комиссияси кафолат валютасида тўланганидан;

- шартноманинг 5 бўлимида қайд этилган, мажбурият бажарилишининг таъминоти билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тақдим этилганидан.

3.2. Юқорида кўрсатиб ўтилган (3.1-банд) шартлар Принципал томонидан бажарилгандан, шунингдек мазкур шартларнинг бажарилишига тегишли барча ҳужжатлар ва шартномалар расмийлаштирилгандан ва Кафолатнинг матни ва шартлари келишилгандан сўнг Принципал Кафилга Бенефитсиар фойдасига кафолат бериш тўғрисида ёзма топшириқ беради. Ёзма топшириқ олингандан ва юқоридаги шартлар бажарилгандан, шунингдек Принципалнинг Юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан юридик хулоса тақдим этилгандан (6.2-банд) сўнг, Кафил Бенефитсиар фойдасига Кафолат беради.

3.3. Берилган Кафолат доирасида Бенефитсиар томонидан Кафилга тўлов талабномаси қўйилганда, Кафил амалга оширилиши зарур бўлган тўлов суммасини Принципалнинг барча ҳисобварағларидан сўзсиз тартибда ўчириш орқали амалга оширади.

3.4. Зарур суммани Принципалнинг ҳисобварағларидан (ўчиришнинг) имконияти мавжуд бўлмаганда, Кафил Бенефитсиарга талабномада кўрсатилган суммани Кафолат шартларига кўра ўз маблағлари ҳисобидан тўлаб беради.

Ушбу шартномага асосан Кафил томонидан Бенефитсиарнинг талабномасига асосан тўлаб берилган малбағлар, Принципал томонидан “ҚАРЗ” деб тан олинади ва мазкур Қарз суммасининг 10 фоизи миқдорида Кафил фойдасига бир марталик комиссия ундирилади.

3.5. Ушбу билан Принципал қуйидаги ҳолларда Кафилга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ Принципалнинг барча ҳисобварағларидан керакли суммани унинг бирор-бир топшириғи ва/ёки розилигисиз (аксептсиз) сўзсиз тартибда тўлов талабномаси ёки мемориал ордерга асосан чиқим қилиш ҳуқуқини беради:

- Бенефитсиар томонидан Кафилга Кафолат бўйича талабнома қўйилганда ва/ёки Кафил томонидан Бенефитсиар фойдасига тўлов амалга оширилганда;

- ушбу Шартнома шартларига асосан Кафил олдида тўлов мажбуриятлари вужудга келганда;

- Кафил томонидан Бенефитсиар фойдасига тўлов амалга оширилганда.

4. КОВЕНАНТЛАР

4.1. Принципал қуйидагиларга мажбур:

а) Кафилнинг олдиндан ёзма розилигисиз янги қарз (кредит) жалб қилмаслик (олмаслик);



Garant bank

б) Кафилнинг олдиндан ёзма розилигисиз дивидендлар ёки бошқа турдаги фойдани тақсимлаш билан боғлиқ амалларни бажармаслик;

в) Қуйидаги ҳолатларнинг биронтаси ёки бир нечтаси содир бўлган кундан бошлаб 5 иш куни ичида Кафил ёзма хабардор қилиш:

- раҳбар ёхуд иштирокчиси ёки иштирокчилар таркибида ўзгаришлар содир бўлганлиги;

- умумий солиқ мажбуриятларининг 5% дан ортадиган миқдорда солиқ мажбуриятлари ўзгарганда;

- миқдори умумий активларининг ёки мажбуриятларининг 5%идан ошиқ миқдордаги йиғимлар, жарималар ёки суд жараёнлари тўғрисида;

- учинчи шахслар олдидаги умумий мажбуриятнинг 5%идан ортиқ миқдордаги муддати ўтган кредит ёки қарзлар юзасидан қарздорликнинг мавжудлиги тўғрисида.

4.2. Принципал томонидан ушбу шартноманинг 4.1-бандига амал қилминмаганда (бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда) Кафил қуйидаги чораларнинг бирини ёки бир нечтасини қўллашга ҳақли бўлади:

а) барча қарздорликни муддатидан олдин сўндиришни талаб қилиш ва ундирувни таъминотга қаратиш;

б) қоидабузарлик бартараф этилгунга қадар ҳар бир кун учун қарздорликнинг 0,1% миқдорида, бироқ кредит умумий миқдорининг 10%дан ошмаган миқдорда пеня қўллаш.

5. ПРИНЦИПАЛНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

- Кафилнинг Кафолат бериш мажбурияти Принципал томонидан тақдим этилган кундан бошлаб ва Принципал қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорнинг камида 125% сўралган Кафолат миқдорида (ёки банкнинг ички ме'ёрий ҳужжатларида белгиланган миқдорда) та'минот берганидан ва (Банк Кредит қўмитасининг қарорига мувофиқ белгиланган бошқа шартлар кўрсатиб ўтилади) кейин кучга киради.

- Принципалнинг ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларининг бажарилиши қуйидаги таъминот тури билан таъминланади:

- _____ (_____) сўм
_____ тақдим этилади.

- Гаров қиймати камайган тақдирда ёки тақдим этилган гаров “Гарант банк” АЖ талабларига жавоб бермаган бошқа ҳолларда, Кафил талаб қилган кундан этиборан 20 (йигирма) банк куни ичида белгиланган банк талабларига жавоб берадиган гаров та'минотини тақдим этади.

6. ПРИНЦИПАЛНИНГ ТАСДИҒИ

6.1. Ушбу билан Принципал қуйидагиларни тасдиқлайди ва кафолатлайди:

- у Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан лозим даражада ташкил қилинган ва рўйхатдан ўтказилган юридик шахс ҳисобланади ҳамда шартномани тузиш ва уни бажариш учун ҳуқуқий лаёқатга эга;

- ушбу шартномани тузиш ва унинг барча шартлари, шартномани бажариш амалдаги қонунчилик ва Принципалнинг таъсис ҳужжатларига зид эмас;

- Кафилга тақдим этилган молиявий ҳисоботлар ҳаққоний ва улар Принципалнинг молиявий аҳволини акс эттиради. Принципал молиявий ҳисоботлари ва Кафилга тақдим этилган бошқа ҳужжатларда акс эттирилгандан бошқа ҳақиқий ёки шартли мажбуриятларга, шунингдек бошқа шахслар фойдасига берилган кафилликка эга эмас;



Garant bank

- Принципалга нисбатан маъмурий, арбитраж ва суд ишлари қўзғатилмаган ва учинчи шахслар олдида Принципалнинг ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бажарилмаган мажбуриятлари йўқ;

- Бенефитсиар билан Контракт тузиш учун зарур бўлган барча розилик, рухсатлар олинган ва қонуний ҳамда ҳақиқий ҳисобланади;

- Кафил ушбу Шартнома бўйича талабларини қаноатлантириш учун Принципалнинг барча ҳисобварағларидан мустақил ва сўзсиз тарзда пул маблағларини ўчириш ҳуқуқига эга;

- Ушбу шартнома билан, унда кўрсатиб ўтилган барча мажбуриятлар ва ковенантлар билан танишиб чиққанлигини ва уларга сўзсиз рози эканлигини.

- Принципал ўз мулкига ва бошқа мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга;

- ушбу Шартномани имзолаган шахслар Мижознинг та'сис ҳужжатларига мувофиқ тегишли равишда ваколатга эга, Принципал шартномаларда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришга ҳақли ва бу мажбуриятлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ унга нисбатан (алоҳида ёки биргаликда) ҳақиқий ва қўлланиши мумкин;

- ушбу Шартномани имзолаш ва унинг ижроси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Принципалнинг та'сис ҳужжатларига, шунингдек, Мижоз иштирок этган учинчи шахслар билан тузилган бошқа шартномаларга зид бўлмаслиги;

- Принципалнинг кредиторларидан бирортаси Принципалнинг гаровга қўйилган мол-мулки бўйича банкка нисбатан ўз талабларини қондириш учун Кафил олдида имтиёзли ҳуқуқга эга эмас ва бўлмади;

- Кафил, Принципалнинг асосли фикрига кўра, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ушбу Шартноманинг барча шартлари Принципал учун ҳақиқийлигини, бажарилишини ва мажбуриятларни бажариш бўйича барча оқилона чораларни кўришлигини ва Принципал Шартноманинг барча ёки айрим шартларининг ҳақиқий эмаслиги, ижро этилмаслиги ва/ёки қарз олувчи учун мажбурий эмаслиги сабабли банкка қарши ҳеч қандай да'во қўзғатмаслигини;

Кафил, Принципал ва/ёки унинг вакиллари томонидан ушбу Шартномани тузиш ва бажаришда амалдаги қонунчилик, Принципалнинг та'сис ва/ёки бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари учун жавобгар эмас ва Шартномага мувофиқ ўзига юкланган мажбуриятларни бажариш мажбуриятини олади. Бундай ҳолда, содир бўлган ҳуқуқбузарликлар учун барча жавобгарлик, тегишли равишда, ушбу Шартнома бўйича Кафилнингнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаган ҳолда Принципалга юкланади.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафларнинг ушбу шартнома билан кўрсатиб ўтилмаган жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланади.

7.2. Ушбу шартнома бўйича барча низолар музокаралар йўли билан амалга оширилади, музокаралар натижасида тарафлар келишувга эриша олмасалар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан судда ҳал этилади.

Ушбу шартнома билан боғлиқ вужудга келадиган ҳар қандай суд жараёнида Кафилнинг ушбу Шартномага асосан унга тўланиши лозим бўлган ҳар қандай сумма бўйича ҳужжатлари бундай Қарз олувчилик вужудга келганлигининг «прима фасие» (бирламчи) исботи бўлиб ҳисобланади.

ФОРС-МАЖОР

5.1. Ҳеч бир Томон ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки



Garant bank

қисман бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди, агарда бундай ҳолат Шартнома тузилгандан сўнг юзага келган, олдиндан кўриб бўлмаган ва бартараф этиш чоралари кўриб бўлмайдиган енгиб бўлмас куч (тошқин, ёнғин, zilзила ва бошқа табиий офатлар) таъсирида юзага келса.

5.2. Томонлар ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қиладиган енгиб бўлмас куч ҳолатларининг бекор қилиниши тўғрисида бошқа тарафни дарҳол хабардор қилишлари шарт, мажбуриятларни бажариш бундай ҳолатлар амал қилган вақтга мутаносиб равишда кейинга қолдирилади. Шу билан бирга, ҳар қандай Томоннинг илтимосига биноан, тегишли орган томонидан берилган ҳолатлар юзага келганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши керак.

5.3. Томонлар фавқулотда вазиятларда ўз мажбуриятларини бажариш учун барча мумкин бўлган чораларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган чораларни кўрадилар.

5.4. Томонлардан бирортасининг талабига кўра, тегишли орган томонидан берилган ҳолатлар юзага келганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши керак.

8. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

8.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупсион ҳаракатларни тўлиқ таъқиқлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам (бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкый ҳарактердаги хизматлар, бошқа мулкый ҳуқуқларни олиш/бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб-қоидаларни соддалаштириш, рақобат ва бошқа афзалликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Тарафлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган коррупсияга қарши курашишга қаратилган сиёсат ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиладилар.

8.2. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида на ўзлари, на ижроия органи, на уларнинг масабдор шахлари ёки ходимлари бирон-бир шахсларга (жумладан, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахслари) коррупсион тўловларни тақдим этишни таклиф қилмаслигини, тақдим этмаслигини, розилик бермаслигини, шунингдек ҳар қандай шахсдан (тўғридан-тўғри ёки билвосита) ҳар қандай коррупсион тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини кафолатлайди.

8.3. Мазкур бўлимнинг бирон бир шартлари бузилган тақдирда, тегишли тараф бошқа тарафни бундай бузилиш содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тараф ёзма хабарномада ушбу бўлимнинг қайси бир қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт. Ёзма хабарномалар “Гарант банк” АЖ ишонч телефон рақами ([тел:71-202-15-13](tel:71-202-15-13), [71-256-66-01](tel:71-256-66-01)) ҳамда веб сайт www.гарантбанк.уз орқали амалга оширилади.

8.4. Ушбу бўлим қоидалари тарафлардан бири томонидан бузилганлиги факти тасдиқланганда ва/ёки бошқа тарафнинг қоидабузарликлари кўриб чиқиш ҳақида хабарнома натижалари юзасидан маълумот тақдим қилмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бир тарафлама қисман ёки тўлиқ бекор қилишга ҳақли.

8.5. Мазкур шартномани коррупсияга қарши шартларга асосланиб бекор қилган тараф, бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни талаб қилишга ҳақли. Зарарларни қоплаш тарафлар томонидан ёзма равишда тасдиқланаган далолатномада белгиланган муддат ва миқдорда амалга оширилади.

9. САНКСИЯЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ШАРТЛАР

9.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Тарафлар уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида иқтисодий ва молиявий санксиялар бўйича халқаро қонунчиликка риоя қилишга қаратилган сиёсат ва тартибларга риоя қилишини ва уларни қўллаб-қувватлашини тан олади ва тасдиқлайди.

9.2. Кафил Принципал ёки унинг операцияси санксия таъсир доирасига тушганда ёки тушиши хавфи мавжуд бўлганда, операцияни ўрганиш мақсадида қўшимча маълумотларни сўраш, операция миқдорини чегаралаш, операцияни чеклаш (рад этиш) ёки хизмат кўрсатишни рад этиш ва Принципал билан шартномаларни бир томонлама бекор қилиш.

9.3. Кафил Принципалга нисбатан қўлланилган ҳар қандай санксия ва эмбарголар оқибатида тўловларнинг корреспондент банк томонидан тўхтатилиши, музлатилиши сабабли келиб чиқадиган йўқотишлар ёки маблағларни қайтариш билан боғлиқ харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

9.4. Принципал унинг контрагенти, контрагентга хизмат кўрсатувчи банк, уларнинг аффилиланган шахслари, контрагент акциядорлари ёки муассислари, унинг ижро органи, уларнинг мансабдор шахслари ёки ходимлари, шу билан бирга олинаётган товар ва хизматлар санксия рўйхатига киритилмаганлигини кафолатлайди.

Тарафларнинг жавобгарлиги

Ушбу Шартномада кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, Кафил Принципалдан муддати ўтган ҳар 10 кун учун Кафолат суммасининг 0,03% миқдорида ҳисобланган фоизларни талаб қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, лекин Кафолат суммасининг 1% дан ошмаган миқдорида. Бунда ҳисобланган пеня суммаси Принципалнинг ҳисобварақларидан аксептсиз ундирилади. Пеня тўлаш Принципал Кафил томонидан талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этиш мажбуриятидан озод этмайди.

Кафил томонидан сўралган, Банкка моддий зарар етказилиши мумкин бўлган нотўғри ва ёлғон маълумотларни тақдим этганлик учун Принципал Кафолат суммасининг 1% миқдорида жарима тўлайди.

10. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома Тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва ушбу шартномага асосан ўз зиммаларига олган мажбуриятлар тарафлар томонидан тўлиқ бажарилганидан сўнг бекор бўлади.

10.2. Принципал ушбу шартнома доирасида ўзининг иштирокчилари, мансабдор шахслари ва ходимларининг шахсга доир маълумотлари Кафил томонидан қайта ишланиши ва учинчи шахсларга берилишига муддатсиз ва барча шартларда ўз розилигини беради.

10.3. Ушбу шартнома шартлари тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ўзгартирилиши мумкин ва улар қўшимча келишув имзолаш йўли билан расмийлаштирилади.

10.4. Ушбу шартнома кучда бўлган даврда тарафлардан бирортаси қайта ташкил этилса, шартнома ўз кучида қолади ва қайта ташкил этилган тараф ушбу шартнома бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади ҳамда унда назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

10.5. Ушбу Шартнома юридик жихатдан Контрактдан мустақил ҳисобланади ва Принципал Контракт шартларига асосланиб, Кафилга эътироз билдиришга ҳақли эмас. Принципал ва Бенефитсиар ўртасида Контракт юзасидан вужудга келадиган ҳар қандай низолар Кафилнинг иштирокисиз мустақил кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

10.6. Агарда шартноманинг бирорта шarti Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига зид бўлиб қолса, у шартноманинг қолган қисмларини бажаришга таъсир қилмайди ва қисқа муддат ичида шартноманинг

қонунчиликка зид бўлиб қолган шартининг мазмуни ва мақсадига энг яқин бўлган шарт билан алмаштирилади.

10.7. Шартнома тарафларнинг ҳар бирида бир нусхада сақланувчи, бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“Банк (кафил)”	“Принципал” “_____” МЧЖ
Манзил: _____ МФО _____ ИНН: _____	Манзил: _____ х/р _____ х/р _____ МФО: _____ ИНН: _____
_____ _____ Юрист _____ муҳр, сана 2025 йил ____	Раҳбар _____ Бош бухгалтер _____ муҳр, сана 2025 йил ____

“Қарз оловчи” мазкур шартномани менинг иштирокимда имзолаганлигини кафолатлайман.

(ваколатли шахснинг лавозими, Ф.И.О. имзо)

Ҳурматли Қарз оловчи!

Кредит ва унга ҳисоланган фоизлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда Сизнинг кредит тарихингизда мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги тўғрисида маълумотлар шаклланади ва бу эса ўз навбатида келгусида кредит ташикilotларидан кредит олиш имкониятингизни пасайишга сабаб бўлиши мумкин.

